

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2020 йил 29 январь куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти, Хонқа туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Б.Киличев, 3.Кобулованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хонқа туман прокурори ёрдамчиси О.Саидов, фуқаровий даъвогарлар А.Хайитов, О.Алимов, Х.Сафарбаев, О.Хўжаниязов, Ш.Рўзметов, Ш.Қурязов, судланувчи Б.Жумабаев, Б.Қўзибоев, ва С.Озодовларнинг иштирокида, судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] нисбатан бўлган 1-2209-2001/9-сонли жиноят иши кўрилди, иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]
1996 йил 15 январь куни Боғот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Боғот тумани, Қулон-Қарабоғ қишлоғи, Мехнат Гули маҳалласида яшайди, унга нисбатан 2019 йил 29 декабрдан “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 16 январь куни олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан;

[REDACTED]
Beknazar), 1997 йил 13 май куни Боғот туманида туғилган миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Боғот туман, Қипчоқ қишлоғи, Тўпчи маҳалласида яшайди, унга нисбатан 2019 йил 29 декабрдан “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган. айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 16 январь куни олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан;

[REDACTED]
1997 йил 12 февраль куни Боғот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Боғот туман, Қулон-Қарабоғ қишлоғи, Мехнат Гули маҳалласида яшайди, унга нисбатан 2019 йил 29 декабрдан “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 16 январь куни олган;



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, тарафларнинг музокараларини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Б.Жумабаев, ўзини таниши С.Озадов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 9 декабрь кунидан 10 декабрь кунига ўтар кечаси соат тахминан 01:30 ларда, Боғот тумани, Қуланқарабоғ қишлоғида жойлашган фуқаро О.Раззақовга тегишли бўлган шоли тегирмонининг омборхонасига ғайриқонуний равишда кириб, ушбу омборхонада фуқаро Ш.Қурязовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш бахоси 2.500 сўмлик шолисини, 800 кг 2.000.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро Ш.Қурязовга жами бўлиб 2.000.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Шунингдек, Б.Жумабаев ўзини жиноий фаолиятини давом қилдириб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда такроран талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 15 декабрь кунига ўтар кечаси соат тахминан 01:30 ларда, ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Боғот тумани, Қуланқарабоғ қишлоғида жойлашган “Нурулла Гулшод” хусусий корхонасига қарашли бўлган шоли тегирмонининг омборхонасига ғайриқонуний равишда кириб, ушбу омборхонада фуқаро О.Хўжаниязовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш бахоси 5700 сўмлик аланга гуручи 200 кг 1.140.000 сўмлик фуқаро Ш.Рўзметовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш бахоси 5700 сўмлик аланга гуручи 388 кг, жами 2.211.600 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиб, жами бўлиб 3.351.600 сўмлик моддий зарар етказган.

Худди шунингдек, Б.Жумабаев ўзини жиноий фаолиятини давом қилдириб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда такроран талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 16 декабрь куни тонги соат 01:00 ларда Боғот тумани, Қипчоқ қишлоғи, Тўпчи маҳалласида жойлашган фуқаро О.Рўзметовга қарашли бўлган шоли тегирмонига ғайриқонуний равишда кириб, ушбу тегирмондан фуқаро Х.Сафарбаевга тегишли бўлган 1 кг сотилиш бахоси 5700 сўмлик аланга гуручи 650 кг, жами 3.705.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро Х.Сафарбаевга жами бўлиб 3.705.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Шу каби, Б.Жумабаев ўзини таниши С.Озадов ва Б.Қўзибоевлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда такроран талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил



22 декабрь куни тонги соат 02:00 ларда, Хонқа тумани, Томадургадик қишлоғи, Наврўз маҳалласида жойлашган, Р.Хайитовга қарашли бўлган шоли хорозини тешигидан ғайриқонуний равишда кириб, фуқаро А.Хайитовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш баҳоси 12.000 сўмлик лазер гуручни, жами 1 тонна 800 кг 21.600.000 сўмлик ва 1 кг сотилиш баҳоси 3.000 сўмлик лазер майдасини, жами 800 кг 2.400.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро А.Хайитовга жами бўлиб 24.000.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, Б.Жумабаев ўзини таниши Б.Қўзибоев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда такроран талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 25 декабрь куни тонги соат 02:00 ларда, Хонқа тумани, Намуна қишлоғи, Туркистон маҳалласида жойлашган, Р.Сабиоровга қарашли бўлган шоли хорозини тешигидан ғайриқонуний равишда кириб, фуқаро О.Алимовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш баҳоси 4.200 сўмлик нукус гуручни, жами 3 тонна 12.600.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро О.Алимовга жами бўлиб 12.600.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Б.Қўзибоев ўзини таниши С.Озадов ва Б.Жумабаевлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 22 декабрь куни тонги соат 02:00 ларда, Хонқа тумани, Томадургадик қишлоғи, Наврўз маҳалласида жойлашган, Р.Хайитовга қарашли бўлган шоли хорозини тешигидан ғайриқонуний равишда кириб, фуқаро А.Хайитовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш баҳоси 12.000 сўмлик лазер гуручни, жами 1 тонна 800 кг 21.600.000 сўмлик ва 1 кг сотилиш баҳоси 3000 сўмлик лазер майдасини, жами 800 кг 2.400.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро А.Хайитовга жами бўлиб 24.000.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Шунингдек, Б.Қўзибоев ўзини таниши Б.Жумабаев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда такроран талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 25 декабрь куни тонги соат 02:00 ларда, Хонқа тумани, Намуна қишлоғи, Туркистон маҳалласида жойлашган, Р.Сабиоровга қарашли бўлган шоли хорозини тешигидан ғайриқонуний равишда кириб, фуқаро О.Алимовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш баҳоси 4200 сўмлик нукус гуручни жами 3 тонна 12.600.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро О.Алимовга жами бўлиб 12.600.000 сўмлик моддий зарар етказган.

С.Озадов ўзини таниши Б.Жумабаев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 9 декабрь кунидан 10 декабрь кунига ўтар кечаси соат тахминан 01:30 ларда, Боғот тумани, Қуланқарабоғ қишлоғида



жойлашган фуқаро О.Раззақовга тегишли бўлган шоли тегирмонининг омборхонасига ғайриқонуний равишда кириб, ушбу омборхонада фуқаро Ш.Қурязовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш бахоси 2500 сўмлик шолиси 800 кг 2.000.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро Ш.Қурязовга жами бўлиб 2.000.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Шунингдек, С.Озадов ўзини таниши Б.Жумабаев ва Б.Қўзибоевлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда такроран талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 22 декабрь куни тонги соат 02:00 ларда, Хонқа тумани, Томадургадик қишлоғи, Наврўз маҳалласида жойлашган, Р.Хайитовга қарашли бўлган шоли хорозини тешигидан ғайриқонуний равишда кириб, фуқаро А.Хайитовга тегишли бўлган 1 кг сотилиш бахоси 12000 сўмлик лазер гуручни, жами 1 тонна 800 кг 21.600.000 сўмлик ва 1 кг сотилиш бахоси 3000 сўмлик лазер майдасини, жами 800 кг 2.400.000 сўмлик нарсаларни яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро А.Хайитовга жами бўлиб 24.000.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Суд муҳокамасида судланувчи тариқасида сўралган Б.Жумаев айбига тўла иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам танишлари Б.Қўзибоев ва С.Озадовлар билан биргаликда, 2019 йил 22 декабрь куни Хонқа тумани, Наврўз маҳалласида жойлашган, шоли хорозини тешигидан кириб, ушбу шоли хороздан, жами 17 коп лазер гуруч ва 7 копи лазер гуручини майдасини ўғирлаб олиб кетиб, гуручларни шу куни Хонқа туманида яшовчи Э.Кенжаевга олиб бориб сотиб, пулларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишганлиги, 2019 йил 25 декабрь куни соат тахминан 02:00 ларда таниши Б.Қўзибоев билан биргаликда, Хонқа тумани, Туркистон маҳалласида жойлашган, шоли хорозини тешигидан кириб, ушбу шоли хороздан жами 24 коп нукус гуручини ўғирлаб, гуручларни Хонқа туманида яшовчи Э.Кенжаевга олиб бориб сотишганлиги, 2019 йил 9 декабрь куни Қуланқарабоғ қишлоғида жойлашган омборхонага бориб, омборхона эшигини очиб, шоли омборидан тахминан 40 кг чиқадиган 14 қоп шоли маҳсулотини омборхонадан ташқарига кўтариб олиб чиқиб, 10 қопини сим ёғочнинг ёнидаги ариқ ичига ташлаб 4 қопини ўзининг бошқарувида бўлган автомашина ёнига олиб борган вақтида дўсти Сирожни қўл телефонига қўнғироқ қилиб, ҳозирда зиёфатда ўтирганлигини ва уни уйига ташлаб қўйишини илтимос қилганлигини, шундан сўнг бошқарувида бўлган автомашинага ушбу 4 қоп шоли маҳсулотларини юкламасдан дўсти Сирожни олиб кетишга борганлиги, ундан шолиларни юклашиб юборишини айтганлиги, ушбу шолиларни гуруч савдоси билан шуғулланувчи Э.Кенжаевга 350.000 сўм пулга сотганликларини, 2019 йил 10 декабрь куни Қипчоқ қишлоғида жойлашган шоли тегирмонининг ён томонидаги омборхонага соат тахминан 02:30 да борганлигини, омборхона ичкарасига кириб, 11 қоп шоли маҳсулотларини олиб, Қуланқарабоғ қишлоғида



жойлашган “Юмутовларни” шоли тегирмонига олиб бориб гуруч қилиб, шу ерда нотаниш йигитга 2.600.000 сўм пулга сотганлигини, 2019 йил 15 декабрь куни соат тахминан 01:00 да дўсти Сирожга телефон қилиб олдиндан келишилган жойга, яъни Боғот тумани, Қипчоқ қишлоғида жойлашган шоли тегирмонига гуруч ўғирлаш мақсадида боришини айтиб унинг яшаш уйидан олиб кетганлигини, Сирож билан биргаликда у ерга бориб тегирмон эшигини буза олмаганликларини, шунда Сирож кўрққанлиги сабабли кетмоқчи эканлигини айтганлигини, Сирожни уйига олиб бориб, бир ўзи шу тегирмонга қайтиб борганлигини, шундан сўнг ичкарига кириб, 5 коп гуруч маҳсулотини автомашинасига ортиб, ушбу гурунчларни 2.350.000 сўм пулга сотганлигини, Хонқа туманида содир қилган ўғирлик жинояти бўйича Бекназар ва Сирож билан биргаликда Наврўз маҳалласидаги лазер гуручларни ўғирлаганликларини, ҳозирда етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик қилишни сўраб кўрсатма берди.

Суд муҳокамасида судланувчи тариқасида сўралган Б.Қўзибаев айбига тўла иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам танишлари Б.Жумабаев ва С.Озодовлар билан биргаликда, 2019 йил 22 декабрь куни тонги соат тахминан 02:00 ларда, Хонқа тумани, Томадургадик қишлоғи, Наврўз маҳалласида жойлашган, шоли хорозини тешигидан ғайриқонуний равишда кириб, ушбу шоли хороздан жами 17 коп лазер гуруч ва 7 копи лазер гуручини майдасини ўғирлаб олиб кетиб ушбу гуручларни шу куни эрталаб Хонқа туманида яшовчи Э.Кенжаевга сотганликларини, 2019 йил 25 декабрь куни соат тахминан 02:00 ларда таниши Бекзод билан биргаликда, Хонқа тумани, Намуна қишлоғи, Туркистон маҳалласида жойлашган, шоли хорозини тешигидан ғайриқонуний равишда кириб, ушбу шоли хороздан жами 24 коп нукус гуручини ўғирлаб олиб кетиб ушбу гуручларни шу куни эрталаб Хонқа туманида яшовчи Э.Кенжаевга олиб бориб ушбу гуручларни сотганликларини, ҳозирда етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик қилишни сўраб кўрсатма берди.

Суд муҳокамасида судланувчи тариқасида сўралган С.Озодов айбига тўла иқрорлик билдириб, танишлари Б.Жумабаев ва Б.Қўзибоевлар билан биргаликда бир неча маротаба шоли омборларига ўғирликка тушганликларини, ўғирлаган шолларини Элмурод Кенжаев исми шахсга сотиб, пулларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатганликларини, ҳозирда етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик қилишни сўраб кўрсатма берди.

Гарчанд, судланувчи Б.Жумабаев, Б.Қўзибоев ва С.Озодовлар айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатма берган бўлсаларда, суд уларнинг суд жараёнида аниқланган ҳолатлардаги айбларини тўлалигича қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди, жумладан:



Суд муҳокамасида сўралган фуқаровий даъвогар А.Хайитов, ҳақиқатдан ҳам Хонқа туман, Томадурдагик қишлоғи, Наврўз маҳалласида жойлашган отасига тегишли шоли оқлаш тегирмонидан лазер гуручлар ўғирланганлигини, ҳозирги кунда судланувчилар томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатмаси билан;

Суд муҳокамасида сўралган фуқаровий даъвогар О.Алимов, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 24 декабрь кунидан 25 декабрь кунига ўтар кечаси, Хонқа тумани, Намуна қишлоғи, Туркистон маҳалласида жойлашган, отаси Р.Сабировга қарашли бўлган шоли хорозида бўлган, унга тегишли 1 кг сотилиш баҳоси 4200 сўмлик нукус гуручни жами 3 тонна 12.600.000 сўмлик гуручларимни номаълум шахслар томонидан ўғирланганлигини, ҳозирги кунда гуручни ўғирлаган шахслар томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатмаси билан;

Суд муҳокамасида сўралган фуқаровий даъвогар Х.Сафарбаев, ҳақиқатдан ҳам Боғот тумани, Қипчоқ қишлоғи, Тўпчи маҳалласида жойлашган шоли тегирмонидан унга тегишли бўлган шолиларни ноъмалум шахслар ўғирлашганлигини, ҳозирги кунда гуручни ўғирлаган шахслар томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатмаси билан;

Суд муҳокамасида сўралган фуқаровий даъвогар О.Хўжаниязов, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 11 декабрь кунидан 12 декабрь кунига ўтар кечаси номаълум шахс томонидан “Қуланқарабоғ” маҳалласида жойлашган фуқаро Р.Абдуллаевга тегишли бўлган шоли тегирмонида унга тегишли бўлган гуручлар ноъмалум шахслар томонидан ўғирлашганлигини, ҳозирги кунда гуручни ўғирлаган шахслар томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатмаси билан;

Суд муҳокамасида сўралган фуқаровий даъвогар Ш.Қурязов, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 9 декабрь кунидан 10 декабрь кунига ўтар кечаси Қуланқарабоғ маҳалласида жойлашган қариндоши О.Раззақовга тегишли бўлган шоли тегирмонида унга тегишли бўлган гуручларни ноъмалум шахслар ўғирлашганлигини, ҳозирги кунда гуручни ўғирлаган шахслар томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатмаси билан;

Суд муҳокамасида сўралган фуқаровий даъвогар Ш.Рўзметов, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 11 декабрь кунидан 12 декабрь кунига ўтар кечаси номаълум шахс томонидан Қуланқарабоғ маҳалласида жойлашган фуқаро Р.Абдуллаевга тегишли бўлган шоли тегирмонида, унга тегишли бўлган гуручлар ноъмалум шахслар ўғирлашганлигини, ҳозирги кунда гуручни ўғирлаган шахслар томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб



берилганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатмаси билан;

Шунингдек, судда муҳокама қилинган гувоҳларнинг кўрсатмаси, жиноят ишида мавжуд воқеа содир бўлган жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённомаси ва унга илова фотосуратлар, фуқаровий даъвогарларни мол-мулкни қайтариб олганлиги тўғрисидаги тилхати ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд юқорида келтирилган далилларни асосли, судланувчи Б.Жумабаев, Б.Қўзибоев ва С.Озодовларнинг суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлардаги жиноий айбини эса тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Б.Жумабаев, Б.Қўзибоев ва С.Озодовларнинг жиноий ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан уларнинг айби ўғирлик, яъни такроран ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Б.Жумабаев, Б.Қўзибоев ва С.Озодовларга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилиб;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини



енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак”-деб;

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”-деб, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деб, 37-бандида эса, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд судланувчи Б.Жумабаевга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, оилавий ва моддий аҳволини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, шунингдек муқаддам судланмаганлигини, жиноят содир қилишдан олдинги ва ундан кейинги ижобий хулқ-атворини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, судланувчининг шахси, содир этилган жиноятдаги роли, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳамда ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини муҳокама қилиб, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни инобатга олиб, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли ушбу жазони тайинлаб, жазони ижросини назорат қилишни ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни лозим топди.



Суд судланувчи Б.Қўзибоевга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, оилавий ва моддий аҳволини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, шунингдек муқаддам судланмаганлигини, жиноят содир қилишдан олдинги ва ундан кейинги ижобий хулқ-атворини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, судланувчининг шахси, содир этилган жиноятдаги роли, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳамда ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини муҳокама қилиб, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни инобатга олиб, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли ушбу жазони тайинлаб, жазони ижросини назорат қилишни ИИО Пробаця гуруҳи зиммасига юклатишни лозим топди.

Суд судланувчи С.Озодовга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, оилавий ва моддий аҳволини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, шунингдек муқаддам судланмаганлигини, жиноят содир қилишдан олдинги ва ундан кейинги ижобий хулқ-атворини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, судланувчининг шахси, содир этилган жиноятдаги роли, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳамда ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини муҳокама қилиб, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни инобатга олиб, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли ушбу жазони тайинлаб, жазони ижросини назорат қилишни ИИО Пробаця гуруҳи зиммасига юклатишни лозим топди.



Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш Боғот туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати судланувчи корхона, муассаса, ташкилотга ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Б.Қўзибоевга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш Боғот туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати судланувчи корхона, муассаса, ташкилотга ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблансин.

С.Озодовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят ишида ашёвий далил деб эътироф этилиб, дастлабки тергов жараёнида олинган шоли ва гуручлар фуқаровий даъвогарларга тилхат орқали қайтариб берилганлиги ҳамда фуқаровий даъвогарлар А.Хайитов, О.Алимов, Х.Сафарбаев, О.Хўжаниязов, Ш.Рўзметов ва Ш.Қурязовларга етказилган зарарлари тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Манфаатдор томонларга етказилган маънавий зарарлар бўлса уларни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогарлар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

М.Б.Киличев

